

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

PREZIDENT TASHRIFIDAN SO'NG...

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида ҳар гал оддий одамлар билан мулоқот қилади, уларнинг турмуш шароити билан қизиқади, қийнаётган ташвиш ва муаммоларига алоҳида эътибор қаратади.

ЎЗИМНИ ОТАМНИНГ БАҒРИДАГИДАЙ ҲИС ҚИЛДИМ

А. МУСАЕВ, ЎЗА муҳбири

Жорий йил 5 январь кuni Тошкент вилоятига қилган навбатдаги ташрифи чоғида ҳам Президентимиз ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиб, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Янгийул шаҳрида жойлашган "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан мулоқот ҳам самимий руҳда ўтди. Учрашув маҳалла аҳлига бир олам завқ бағишлаш билан бирга, уларни тўлқинлантириб юборди, ҳаётга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

— Ҳар бир она фарзандининг соғ-саломат улғайишини, замонавий таълим олиб, қайси соҳани эгаллашсин, жамиятга керакли шахс бўлиб камолга етишини истайди, шундагина ўзини бахтли ҳис қилади, — дейди уй бекаси Гулнара Исмоилова. — Юртимизда истеъдодли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг ўз қобилият ва салоҳиятини юзага чиқаришга доимий эътибор қаратишмоқда. Узоққа бормайлик, ўз ҳаётим мисолида айта қолай. Қаранг, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ўғлимнинг дарсларни қандай ўзлаштираётганига эътибор қилмабман, спортга, айниқса, футболга қизиқишини болалик шўхлигига йўйибман. Мақтабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси "Ўғлингиз Комилжон машгулотларда фаол катнашди. Унинг тўп билан қиладиган турли ҳаракатларини бир кўрсангиз, кўзингиз қувонади. Ўз устида ишлаб чарчамайди. Келгусида маҳоратли футболчи бўлиши учун махсус футбол мактабига бериш зарур", деган маслаҳатидан сўнг ўйлини қолдим. Кейин бир неча бор соҳа мутахассисларига мурожаат қилдим. Бироқ, баъзи масалалар тўғрисида ижобий ҳал бўлмай келаётгани. Бугун давлатимиз раҳбари ўзлари бизнинг олдимишга келиб, муаммоларимизни тинглади, жумладан, ўғлим билан боғлиқ мени қийнаётган масалани бир пасда ижобий ҳал этиб берди. Бундан жуда хурсандман, ҳозир теримга сиймай кетяман. Ишонгим келмайди, мендай оддий бир фуқарони давлат раҳбари шах-

сан тингласа-ю, ечимини топиб берса! Ўғлимга "Бунёдкор" болалар ва ўсмирлар футбол мактабига қабул қилинди. Ишонмасиз, мен ҳозир осмондаман, еттинчи осмонда! Комилжоннинг хурсандчилигини кўрсангиз, фуқарорвар шундай Президентни етказганига беҳисоб шукроналар айтасиз. Кечалари тўпни кучоқлаб ухляпти. Насиб қилса, ҳали зўр футболчи бўлади. Президентимизнинг ишончини оқлайди.

— Мамлакатимизда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди ёш тадбиркор Азиза Орифбоева. — Дадам вафот этгач, рўзгор юмушларини ёлғиз ўзи қилаётган онамга осон бўлмади. Коллежни 2016 йилда тамомлаганимдан сўнг, онамга кўмаклашиш мақсадида Халқ банининг ҳудудий бўлимидан 25 миллион сўм кредит олдим. Ҳозир Янгийул шаҳар деҳқон бозори ҳудудидаги янги дўконимизда нон ва нон маҳсулотлари билан савдо қиламан. Бироқ, сўнгги пайтларда оилавий шароитимизда юзага келган турли муаммолар, онамнинг тез-тез саломатлиги ёмонлашаётгани тўғрисида банкдаги кредит тўловларини вақтида тўлашга бироз қийналдим.

Президентимиз Янгийулга ташрифлари чоғида менинг ҳам муаммоларимни тинглаб, "Қизим, ҳали кўп бахтли кунларинг олдинда. Ёш бўлишига қарамай, яхши ният билан ўз тадбиркорлигингни бошлабсан, хурсанд бўлдим", деб мени бағрига босди. Ўзимни худди отамнинг бағридагидай ҳис қилдим, кўзимдан қувонч ёшлари тинимсиз оқади, денг. Аслида ҳам шундай-да. Биз, ёшлар барча соҳада яхши натижаларга эришишимиз учун ҳар томонлама шароитлар яратиб бермоқда. Кун кеча Янгийул шаҳри ҳокимлиги томонидан оиламизга моддий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш масалалари ижобий ҳал қилинадиган бўлди. Бунинг учун оддий инсонлар ташвиши билан яшаётган, одамларга ғамхўр бўлиб, оғирини енгил қилиш йўлида астойдил қайғураётган Президентимиздан миннатдорман.

ЗАМОНАВИЙ, ШИНАМ, АРЗОН

Мирзо Улуғбек туманида 32 оилага "Ёшлар уйи" топширилди.



Мадина СОБИРОВА

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, нурунийлар, Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари иштирок этди. Тадбирда замонавий, шинам ва арзон уйлар ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш, самарали натижаларга эришишга ундаётгани, уларда эртанги кунга бўлган ишончининг янада мустаҳкам-

ланишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Барча қулайликларга эга "Ёшлар уйи"ни барпо этишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилган. Улар юртимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришаётган, республика ва халқаро олимпиадалар, мусобақалар, фестивалларда

фаол катнашаётган тенгдошларимизга бошланғич бадалсиз, йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида берилди. Қайд этиш керак, бугунги кунга қадар пойтахтимизнинг Сергели, Учтепа, Бектемир, Миробод ва Чилонзор туманларида намунавий лойиҳа асосида жами 288 хонадондан иборат ўн та "Ёшлар уйи" барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

SAYONAT

Нозима МИЯССАРОВА

ОҚСАРОЙДАН АРККАЧА



Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ургут тумани кенгаши ҳудуддаги фаол ёшлар учун Тошкентга саёҳат ташкил этди. Икки кун давомида самарқандлик йигит-қизлар лойтахимиздаги кўпгина туристик объектларга ташриф бу-

юрди. Айниқса, Оқсарой майдони, Тараққиёт стратегияси маркази ва бир қанча музейлар билан танишув уларда катта таассурот уйғотди.

— Лойиҳа ўзгилмишда амлаб, қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишимизга хизмат қилишига ишонаман,

— дейди ёшлар етакчиси Ғолиб Жабборов. — Тарихий ёдгорлигу замонавий иншоотларни томоша қилиб бой меросимизни ўрганишга иштиёқим янада кучайди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши эса, Ёшлар туризми агентлиги ҳамкорлигида 50 нафардан зиёд сардорни Бухоро саёҳатига жўнатди.

Когон темир йўл вокзалида кутиб олинган меҳмонларнинг илк манзили Арк қалъаси бўлди. Соҳа мутахассислари сардорларга кўна иншоотнинг бунёд этилиш тарихи, у ерда сақланаётган нодир экспонатлар тўғрисида маълумот берди. Шундан сўнг ёшлар Лаби ховуз мажмуасига йўл олди. Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси ҳамда Ёшлар марказига ҳам ташриф буюрди.

Кун охирида марказнинг кичик мажлислар залида Бухоро вилояти ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Жамол Носиров билан учрашув бўлиб ўтди.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ИТТИФОҚ БЕФАРҚ ЭМАС!

Президент фармонида кўра афв этилган ёшлар Ёшлар иттифоқининг кўмаги билан ижтимоий ҳаётга қайтмоқда.

Улардан бири Бухоронинг **Жондорид**а истиқомат қилаётган Элбек Жумаевдир. Тенгдошимиз озодликка чиққач, ҳолидан биринчи бўлиб Иттифоқнинг туман кенгаши вакиллари хабар олди. Ўзaro мулоқот давомида йигитнинг турмуш шароити, муаммолари, келгуси режалари аниқланди.

— Юртбошимизга минг раҳмат, гуноҳимни кечириб, мени оиламга қайтарди, — дейди Э.Жумаев. — Иш топишда қийналаётганим. Иттифоқ дарҳол ёрдам қўлини чўзди. Туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойлашдим. Сенинг ғамингни еб, ҳол-ахволингни яхшилашга ўзингдан кўпроқ ҳаракат қилаётганлар борлигини билиб, очиги, кўзимга ёш келди. Шукр, мана шундай осуда, одамлари бир-бирига меҳрибон, инсон қадрини энг олий қадрият, деб билгучи юртва яшайман.

Кун кеча жазони ўташ муассасасидан озод этилган яна бир тенгқуримиз — Ҳамид Холбеков эса, Иттифоқнинг **Зарбдор** тумани кенгаши тавсияси билан "Шаббода шамол" фермер хўжалигига механизаторликка қабул қилинди. У ўзини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, жамиятда муносиб ўрин топишини кафолатлайдиган Ёшлар иттифоқига ҳам аъзо бўлди.

Эндиликда Ҳамид ҳалол ишлаб, халқининг ишончини оқлайди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттаханова бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари **Сирдарё** вилоятининг барча ҳудудларида бўлиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар, ёшлар масалалари бўйича масъул раҳбар ходимлар ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганди.

Очққ мулоқотларда салкам 400 нафар ёшлар етакчиси ҳамда маҳаллий кенгашларнинг 51 нафар ходимига услубий кўмак берилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари жиноят содир этиб, қилган ишидан пушаймон бўлган ва тўғри йўлга қайтган, ижобий тавсияларга эғалиги сабаб афв этилган ёшларга олиб бериладиган ёшлар билан суҳбатлашди. Улар тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит олиш чоралари белгиланди.

Шунингдек, ўз жонига қасд қилиб, омон қолган икки нафар ёшнинг хонадонига психологлар бориб, амалий кўмак кўрсатди.

Сирдарё туманидаги ўғил болалар махсус коллежи фаолияти, жумладан, ўқувчиларга яратилган шароитлар, синф ва ётоқ хоналарининг ҳолати ҳам ўрганилди.

ФИРИБГАРЛИККА ОИД
ИШЛАР БЎЙИЧА
СУД АМАЛИЁТИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ 2

ЎЗИ ҲАМ "БЎШ",
ИШИ ҲАМ БЎШ 3

ЖОН КУЙДИРМАСАК... 4

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

АРМИЯМИЗ ЎЗГАРМОҚДА



Ёшлар пресс-клубининг миллий армиямиз фаолиятига бағишланган навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий ҳавфсизлик

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING 2017 ЙИЛ 17
НОЯБРДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН
МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ
ЎТАЎТГАН АСКАРЛАРНИНГ ЁШЛАР
ИТТИФОҚИ ТАВСИЯСИ БИЛАН ОЛИЙ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА
ИМТИҲОНСИЗ, ГРАНТ АСОСИДА ЎҚИШГА
КИРИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ
ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ХУЗУРИДА
“ЖАСОРАТ” КЛУБЛАРИ ФАОЛИЯТ
ЮРИТМОҚДА.

хизмати, Миллий гвардия вакиллари, ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва курсантлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Очиқ мулоқотда мамлакатимизда мудофаа тизимининг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий, руҳий тайёргарлигига қаратилаётган эътибор хусусида сўз юритилди. Таъкидланганидек, ўтган бир йил мобайнида Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта қўриб чиқилди. Миллий гвардия шакллантирилиб, Мудофаа саноти бўйича давлат қўмитаси ташкил этил-

ди. Соҳада етук ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан ўзгартирилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор янада кучайтирилди. Бугунги кунда улар замонавий уй-жой билан таъминланмоқда, фарзандларининг сифатли таълим олиши учун барча шароитлар яратиб берилган.

Тадбирда 2017 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган ўзаро ағлашув меморандуми ватанпарвар ёшларни тарбиялаш борасидаги ишларни янги bosқинга олиб чиқишга хизмат қилиши кайд этилди.

Сессия давомида “Темурбеклар мактаби”га қабул жараёни, “Мард ўғлон” мукофоти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Малик СИНДОРОВ

TANLOV

Фанлар академияси Зоология институтида “Полапонларни олиб кетманг!” мавзуидаги болалар ижодий ишлари танловининг якунлари эълон қилинди.



ТОШЛАРГА ЧИЗИЛГАН ҚУШЛАР



Танлов Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти томонидан “Spring Alive” халқаро дастури доирасида ташкил этилди. Таъкидлаш керак, ўқувчи-ёшларда табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришга қаратилган мазкур лойиҳа бугунги кунда дунёнинг қирқта мамлакатда амалга оширилмоқда.

“Полапонларни олиб кетманг!” ижодий танловининг ўзига хослиги шундаки, унда қатнашган болалар қушлар тасвири оқддий қогоз эмас, балки кесак тошларга чизиши керак эди.

Ҳақдорларни тақдирлаш маросимидан аввал Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти фаоллари меҳмонлар эътибори-

га “Лайлақлар тарихи” деб номланган театрлаштирилган томошани ҳавола этди. Шу билан бирга, бу ажайиб қушларнинг ҳаёт тарзи рангли суратлар воситасида ҳам намойиш қилинди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланди. Беллашув талонларига диплом ҳамда рангли календарь-альбомлар топширилди.

Календарь-альбомларда 16 нафар иштирокчи, жумладан, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ҳамда пойтахтимиздаги 204-умумтаълим мактабида таълим олаётган ўғил-қизнинг тошларга чизилган энг сара ижод намуналари акс эттирилган.

INNOVATSIYA

ЮСУПНИНГ “УЧАР КЕМА”СИ

Қумар БЕГНИЯЗОВА

Қорақалпоғистонлик олим Юсуп Камалов Орол денгизи узра икки соат давомида ўзи яратган дельтапланда учиб ўтди. Унинг ҳавфсиз ва қулай “ҳаво кема”си энди сайёҳларга ҳам хизмат қилмоқда.



чиқяпти. У ҳаво йўлларида адашмай парвоз этиб, керакли манзилни осон топишга ёрдам беради.

— Чилпик, Назархан овулларида двигателсиз дельтапландан фойдаланса ҳам бўлади, — дейди Ю.Камалов. — Бунда инсон баландликдан сакраб, ҳавода муайян вақт муаллақ туради-да, кейин парвоз қила бошлайди.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда у шамол ёрдамида ҳаракатланадиган ҳаво транспорти — виндсёрфингни яратишга бел боғлаган.

Қўни кеча америкалик Жозеф ва Анжелина Иорданиялар ўшбу дельтапланда Мўйноқ узра саёҳат қилди. Улар 300 километр масофани босиб ўтиб, денгизни юқоридан суратга ҳам олди.

ни синовдан ўтказаятган экан. Бир гуруҳ археологлар эса, одам тасвири туширилган олти метрлик топилмани тадқиқ этиш билан банд. Бундай ишлар бизни ҳайратга соляпти.

Экстремал туризмни хуш кўрувчилар Юсуп Камаловнинг дельтапланида Мўйноққа учиб, Оролни томоша қилиши ва Устюрт орқали ортига қайтиши мумкин. Хозир тадқиқотчи саёҳлар учун махсус харита ишлаб

ФИРИБГАРЛИККА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА муҳбири

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳри, Ёзёвон, Учқўприк, Қўштепа, Бешариқ ва Бағдод туманларида 2017 йилда фарибгарлик жинояти ошган.

Бугунги кунда шу тоифадаги жиноий қилмишларни тўғри малакалаш, қонун талабларини тўғри қўллаш ва ягона суд амалиётини шакллантиришга эришиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Негаки, кейинги йилларда ўзгаларнинг мулкни фарибгарлик йўли билан талон-тароҳ қилишга оид жиноятлар сони ортаётгани кузатишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фарибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фарибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳамда фарибгарлик жиноятининг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинарда бу алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий маданият тарғиботи кўмайитириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, ҳар бир оила, таълим муассасаси ва маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Шундай бўлса-да, айрим ҳудудларда фарибгарлик билан боғлиқ жиноятлар ошгани ташвишланарлидир.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фарибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарори мазмун-моҳияти хусусида атрафлича сўз юритилди. Мазкур ҳужжат фарибгарликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судлов самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

— Айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти кенгаши раиси А.Ақбаров. — Шунинг учун биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган профилактика тадбирларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Фарибгарлик билан боғлиқ жиноятларда ёшлар ҳам борлиги бизни янада маъсулият билан ишлашга, уларнинг олдини олишга ундайди.

ESHITDINGIZMI?

ТАШАББУСКОР ДЕГАНИ ШУНДАЙ БЎЛСИН!

Зулайхо ЗАЙНИДИНОВА

Ёшлар иттифоқи фаоли — Нилуфар Аҳмедовага Наманган вилояти ҳокими 10 миллион сўм (!) миқдорда пул мукофотини тақдим этди.



Бу гулчирий қиз нима қаромат кўрсатибди экан, дея ҳайрон қолаётгандирсиз. Гап шундаки, Нилуфар мустақил равишда, ҳеч кимнинг куч ва ёрдамига таянмай, “Сиз доим эътибордасиз” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган. Мақсад имконияти чекланган тенгдошларимизни жамиятга қўшишдан иборат.

Эътиборлиси, бағри кенг, қалби уйғок, ғайрати ичига сиғмас тенгдошимиз уйда яққа тартибда таҳсил олаётган бундай ёшларни ўзи қидириб топиб, уларга амалий хунарсирлари: тўқувчилик, сунъий гуллар, тақинчоқлар, экибаналар ясашни ўргатишда (суратларга қаранг). Ижтимоий аҳамияти ниҳоятда юқори ўшбу антика лойиҳага ҳозирги кунгача ўн нафардан зиёд ёш



жалб этилган. Нилуфар Аҳмедованинг шоғирдлари орасида ҳатто вилоят ва республика танловларида совриндор бўлаётганлар ҳам бор. — Шу боис 2017 йил якуни муноса-

MUNOSABAT

МАҚСАД — МИЛЛАТ
ГЕНОФОНДИНИ ЯХШИЛАШ

Мадина КАРИМОВА,
Республика “Она ва бола скрининг” маркази директори

Президентимиз оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратмоқда.

2017 йилнинг 22 декабрида тарихимизда кузатилмаган воқеа юз берди — давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этди. Унда Шавкат Мирзиёев республикадаги скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш, туманлараро перинатал марказларни ташкил этиш ҳамда уларни замонавий тиббий ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтганди. Орадан уч кун ўтиб эса, Президентнинг “2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур ҳужжатда, биринчи навбатда, замонавий скрининг хизмати билан олиш туманларда яшовчи аҳолини тўлиқ қамраб олиш вазифаси қўндаланг қўйилган. Демак, эндиликда барча ҳомиладор аёллар ҳомиласи уч ойга тўлгунча ультратовуш текширувидан ўтказилади (илгари бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилган, холос). Шу мақсадда 195 та марказий кўп тармоқли туман ва шаҳар поликлиникаларининг перинатал тахшис хоналари учун стационар УТТ-сканер аппаратлари харид қилинмоқда. Натижада, ҳомилада намоён бўлаётган туғ-

ма нуқсонларни барвақт аниқлаш ҳамда ўлимга олиб борадиган патологияларга эга чақалоклар тўғилишининг олдини олишга эришамиз.

Бундан ташқари, 2019 йилгача Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларидаги “Она ва бола скрининг” марказлари мукобисидоз (ген мутацияси оқибатида келиб чиқадиган ирсий касаллик)ни аниқлашга мўлжалланган махсус тиббий диагностика аппарати, шунингдек, болаларда цитогенетик текширувлар олиб бориш имкони берувчи рақамли микроскоп ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Қарорда белгиланган вазифалар ижроси умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари зиммасига ҳам улкан маъсулият юкламоқда. Сабаби амалдаги тартибга кўра, патронаж ҳамшираси ойда бир марта ҳомиладор аёлнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олиши шарт. Шу билан бирга, у бўлғуси оналарнинг УТТ-сканер аппарати текширувидан ўз вақтида ўтаётганини назорат қилиб боради.

Ҳар биримиз олдимизда турган вазифаларни сидқидилдан адо этсак, олий мақсад — миллат генофондини яхшилашга эриша оламиз.

ЎЗИ ҲАМ "БЎШ", ИШИ ҲАМ БЎШ

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Хабарингиз бор, амалдаги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида "ёшлар етакчиси" штат бирлиги жорий этилиб, лавозим маоши юқори синф ўқитувчисиникига тенглаштирилди.

масъулиятни янада кўчайтириши керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам ахвол биз кутгандек эмас.

зимда "Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш йили", деб эълон қилинганини инобатга олсак, масаланинг долзарблиги янада ортади.

Шу нуқтаи назардан, Иттифоқнинг Навоий вилояти кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини сифат даражасига олиб чиқиш, етакчиларнинг ёшлар билан ишлаш тизimini такомиллаштиришига бел боғлади.



FOTOEAKT

ЁШЛАРНИНГ ИККИНЧИ "УЙИ"

Сожида САПАЕВА

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида Ёшлар маркази ишга тушди. Замонавий услубда барпо этилган шинам бинода инглиз ва рус тиллари, тикувчилик, компьютер техникаси тўғрисида ўқитиладиган бўлади.

Шу билан бирга, диний-маърифий бўлим, "Kamalak" болалар ташкилоти ва Сардорлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Янги марказни Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгашидан борган меҳмонлар очиб берди. Кенгаш раиси Мансурбек Машарипов муассасани ёшларнинг иккинчи "уйи"га айлантириш юзасидан ўз таклифларини берди.

Яқунда тўғрақларга керакли анжомлар совға қилинди.

Биз Хатирчи туманига йўл олдик. Илк манзил 10-умумтаълим мактаби бўлди. Ёшлар етакчиси — Рухсора Яхёеванинг хонасини кўздан кечириб, таъбимиз хира тортиди.

ИТТИФОҚИ

Ақалли иш кабинетини тартибга келтиришни ўзига эп билмаган Рухсора носоглом маънавий муҳит ҳукмрон оила фарзандлари, ҳуқуқбузарликка мойил ва тарбияси оғир ёшлар билан алоҳида ишлашни эплайди дейсизми? Йўқ, албатта! На илож, ношуд етакчиға аввалиға йўл-йўриқ кўрсатдик. Имкон қадар услубий кўмак ҳам бериладиган бўлди.



BIR MANZILDA IKKI MANZARA



даркор. Зотан, бўлғуси авлоднинг камалию истиқболи учун масъулмиз. Демак, ёшлар етакчисидан меҳнатсеварлик ва ташаббускорликни даврининг ўзи талаб қилмоқда.

YOSHLAR ITTIFOQI MUKOFOTI SOHIBLARI

ҒАЙРАТИ ИЧИГА СИҒМАС НАРГИЗА

Роҳатой ҚОДИРОВА

Ёшлиқ фаслида яшаяпмиз: юртимиз ҳам, ўзимиз ҳам, орзу-истакларимиз ҳам навқирон. Бугун шу заминни яшнатаман, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшаман, деган кишига барча имкониятлар муҳайё этилган.



Навоийлик Нарғиза Маманова 24 ёшда. Хаёт йўлидан катта қадам ташлаб юради. Шу боис кўпгина тенгдошларидан анча илгариллаб кетган.

Саховатпешалик — инсон зийнати, фазилатидир. Қаҳрамонимиз кўли очик инсон, у хайрли амаллардан сира юз ўғирмайди.

VATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

Меҳроҷиддин НАЗАРОВ

МАРАФОН, КЎРҒАЗМА ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Самарқандда "Армия ва ёшлар" фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур антика лойиҳани ҳудуддаги Марказий ҳарбий округ ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши биргаликда амалга оширди.

Т.Жўраев, Марказий ҳарбий округ кўмондонни, полковник А.Саидов, Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши раиси Р.Қобилов сўзга чиқди.



лоят мусиқали драма театри олдидаги Кўксарой майдонида ташкил этилган ҳарбий техника ҳамда қурол-яроғлар кўрғазмаси эса, ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмади.

Равшана КҮРЯЗОВА

ҒАНИМАТДИР БУ ДАМЛАР

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир қанча лойиҳаларга старт берди.



Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Афғонистонда хизмат қилган фахрий жангчилар, миллий армиямиз сафидан нафақага чиққан ҳарбийлар, жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.



Уч авлод вакилларининг қизгин ва самимий суҳбат чоғида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси


Қуроли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга эътиборнинг юксаклиги эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ватан ҳимоясидек шарафли ишга камарбаста ўғлонларимиз, шунингдек, ҳарбий бўлиш истагида юрган ёшларни рағбатлантиришга тайёр. Хусусан, ўтган йили ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан турли соҳаларда тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткичларга юрак қўрсатаётган иқтидорли йигитлар учун "Мард ўғлон" медали таъсис этилди.

Уч авлод вакилларининг қизгин ва самимий суҳбат чоғида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси

ЮГУР ВА БИРИНЧИ БЎЛ!

Нарғиза РАҲМАТУЛЛАЕВА



Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан "Менинг армиям — менинг таянчим" шiori остида югуриш марафони бўлиб ўтди.

Мусобақа ёшларнинг ватанга садоқатини кучайтиришга хизмат қилиб, унда минг нафарга яқин ҳаваскор иштирок этди.

Очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокими ўринбосари Рўзимурод Чориев, Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши раиси Охун Умаров мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

Умумий масофа беш километрни ташкил этиб, Ёшлар марказидан "Сурхон" спорт мажмуасигача чўзилди.

— Ҳарбий тенгдошларим қаторида марафонда куч синанганимдан фахрланаман, — дейди иштирокчи Умид Қораев. — Бу менга ҳузур бағишлабгина қолмай, ҳарбий бўлиш иштиқини янада кучайтирди.

Финиш чизигига биринчи бўлиб етиб келганлар қимнатбахо совғалар билан тақдирланди.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ОВЛОҚ ОВУЛНИНГ ВЕРА МОМОСИ

Очиқ чеҳра, мовий кўз, оқ-сарикдан келган Вера момо билан шаҳар ихтимойи таъминот бўлимида танишиб қолдим.

— 1970 йилда тошкентлик турмуш ўртоғим бизнинг Астра-ханда ҳарбий хизматда бўлган, — гап бошлади у. — Аҳду паймон қилиб, у билан Ўзбекистонга келдим.

Ҳовлиларда аҳолининг кўпчилиги турғун яшар экан. Иккимиз ҳам нафақада. Бу ерга келиб чолимнинг аҳоли яшиланди.

Ҳовлига мевали дарахтлар экиб, сигир, қўй, товуқ, ғоз, ўрдаклар сотиб олдик. Ҳамма егулик ўзимиздан чиқади.

Ҳуллас, маҳалла болалари бизникида бежавотир яшайди. Болалар билан андармон бўлиб хўжайиним иккимизнинг армонларимиз тарқалди.

кидан кетгиси келмайди. Бир кўшним ўғилчасини олиб кетиш учун келди. Боласи тушмагур нима дейди денг: — Дада, Вера момо билан қоламан, кечаси уни бўри еб кетиши мумкин.



ШОҲ ВА ШОҲР МЕРОСИ ВЕКТОРНАСА

Мирзо Бобур ва бобурийлар ҳақида билмайдиган инсон топилмаса керак. Уларнинг бой мероси дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Савол: Фарбий Европа, хусусан, Германиялик олимлар Алишер Навоийни Мирзо Бобур орқали танийди.

Жавоблар 12 январгача қабул қилинади.

YOSHLIK ILHOMI

ҚАЛДИРҒОЧ

Мадина ХОЛБОЕВА, Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Холида мактабдан қайтаётиб, қалдирғочга дуч келди. Ундан нега осмонда эмас, ерда юрганнинг сабабини сўради.



Шоҳрух НЕЪМАТОВ, Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

СЎНГГИ ҲИС

Қаердандир нон иси димокка урилди. Ўқ овози бирдан тинди.

Лайло ХАЙИТОВА

Автобус тирбанд. Мен ўтирган ўриндик дастасидан маҳкам ушлаб олган аёлнинг қўлидаги соатга кўзим тушдию, юрагим "шув" этди.

ИЗТИРОБ



HAYOT CHORRAHASIDA

олсам, ҳеч ким индамайми? — сўради у охишта.

ЖОН КУЙДИРМАСАК...

Боборован ГОЗИДДИНОВ

Яқинда анчадан буён кўришмаган синфдошларим билан дийдорлашдик.

Бир пайт ёнимизга мезбоннинг тўрт-беш ёшлар атрофидаги ўғли кириб келди. У биз билан саломлашган, отасининг ёнига бориб чўккалади.

Лада. Болакай эса, отасини диққат билан кузатиб ўтирарди.

— Тез-тез бошинг оғримайдими? — деб сўради йигитдан. Талаба: "Йўқ", — деб жавоб берди энсаси қотганини яширмай.

"Энди чекмайман", — деб сигаретни чиқинди қутига ташлади.

— Бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти, — деди бўталоқ онасининг пинжиги суқилиб.

ОНА ТУЯНИ МУМ ТИШЛАТГАН САВОЛ

— Бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти, — деди бўталоқ онасининг пинжиги суқилиб.



Шундан сўнг қизиқувчан бўталоқ маълум фурсат ўйга толди.

— Тушундим! — деди у. — Улкан ўрқачлар саҳрода жон сақлашимизга ёрдам беради, узун оёқларимиз қуллоқ манзилларни яқин қилади.

Advertisement for YOSHLAR OVOZI magazine, including contact information and subscription details.